САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06/2025.27.12.Tib.17.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДУСТБОБОЕВ ДИЛШОД САДУЛЛАЕВИЧ

БОЛАЛАРДА ЭКССУДАТИВ ЎРТА ОТИТНИ ТАШХИСЛАШ ВА КОНСЕРВАТИВ ДАВОЛАШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ

14.00.04 – Оториноларингология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2026 йил

УЎК: 616.284-002.253-053.2

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Дустбобоев Дилшод Садуллаевич
Болаларда экссудатив ўрта отитни ташхислаш ва консерватив даволашни оптималлаштириш..... 3

Дустбобоев Дилшод Садуллаевич
Оптимизация диагностики и консервативного лечения экссудативного среднего отита у детей..... 21

Dustboboyev Dilshod Sadullayevich
Optimization of diagnosis and conservative treatment of exudative otitis media in children..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works..... 45

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06/2025.27.12.Tib.17.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДУСТБОБОЕВ ДИЛШОД САДУЛЛАЕВИЧ

БОЛАЛАРДА ЭКССУДАТИВ ЎРТА ОТИТНИ ТАШХИСЛАШ ВА КОНСЕРВАТИВ ДАВОЛАШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ

14.00.04 – Оториноларингология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2026 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.1.PhD/Tib4227 рақами остида рўйхатдан ўтказилди.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилди.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасига (www.sammu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталига (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Насретдинова Махзуна Тахсиновна** тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Владимирова Татьяна Юльевна** тиббиёт фанлари доктори, профессор
	Шамсиев Жахонгир Фазлиддинович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**Озарбайжон давлат тиббиёт университети (Озарбайжон Республикаси)**

Диссертация ҳимояси 2026 йил «_____» _____ соат _____ Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги DSc.06/2025.27.12.Tib.17.02 рақамли Илмий кенгаш мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18-уй. Тел./факс: +99866 233-30-34, e-mail: ilmiyprorektori@sammu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№____рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18-уй. Тел./факс: +99866 233-30-34.

Диссертация автореферати «____» _____2026-йилда тарқатилди.

(2026-йил «____» _____даги № реестр баённомаси).

Ж.А. Ризаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Г.У. Самиева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ж.У. Абдувакилов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Экссудатив ўрта отит (ЭЎО) педиатрик оториноларингологиядаги ижтимоий аҳамияти юқори муаммолардан бири бўлиб, болаларнинг 80–90% гачаси 5 ёшгача камида бир марта касалликни бошдан кечиради. Касалланиш чўққиси (30–35%) боланинг нутқ ривожланишининг критик даврига (1–5 ёш) тўғри келиши муаммога алоҳида клиник аҳамият беради. Касалликнинг сероз ва мукоз босқичларини ўз вақтида фарқлашга имкон берадиган аниқ прогностик мезонлар йўқ, шу сабабли қайтмас оғирқулоқлик хавфи юқори ва ташхислаш усулларини такомиллаштириш зарур[1].

Бутун дунё тиббиёт ҳамжамиятида, замонавий оториноларингологиянинг сезиларли ютуқларига қарамасдан, ўрта отит секретор шаклларининг адгезив жараёнларга айланиш муаммоси ўта жиддийлигини сақлаб қолган: эрта ёшдаги болаларда турғун эшитиш заифлиги учраш даражаси 25–30% га етади. Сероз экссудатнинг ёпишқоқ шиллиқ экссудатга ўтишида икки томонлама зарарланишнинг юқори частотасини (86% гача) ва қайтмас ўзгаришлар тез шаклланиши хавфини ҳисобга олган ҳолда, эрта ташхислаш ва фаол патогенетик даволашнинг янги ноинвазив усулларини излаш зарур. Касаллик сурункали тус олишининг аниқ биокимёвий предикторлари ва маҳаллий иммунитет ҳолатини, хусусан, секретор иммуноглобулин А (sIgA) даражасини назорат қилишнинг стандартлаштирилган воситалари йўқлиги касалликнинг кечишини объектив прогнозлаш ва асоссиз жарроҳлик аралашувлари хавфини камайтириш имконини берувчи индивидуаллаштирилган даволаш протоколларини ишлаб чиқишни тақозо этади[2].

Ўзбекистон Республикасида 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясини амалга ошириш доирасида юқори технологияли тиббий ёрдамдан фойдаланиш имкониятини ошириш ва аҳоли ўртасида ногиронлик даражасини пасайтиришга устувор аҳамият қаратилган. Эрта ёшдаги болаларда экссудатив ўрта отит шу вазифаларга бевосита дахлдор, чунки у қайтмас оғирқулоқликка олиб келиши мумкин. Объектив биокимёвий мезонлар ва маҳаллий иммунитетни (sIgA) назорат қилишнинг ноинвазив усуллари йўқлиги касаллик кечишини эрта башорат қилишни қийинлаштиради.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ва 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199-сон «Соғлиқни

[1] Rosenfeld R.M., Shin J.J., Schwartz S.R., Coggins R., Gagnon L., Hackell J.M., et al. Clinical practice guideline: otitis media with effusion (update) // Otolaryngology – Head and Neck Surgery. – 2016. – Vol. 154, № 1 (Suppl). – P. S1–S41. DOI: 10.1177/0194599815623467.

[2] Савенко И.В., Бобошко М.Ю. Экссудативный средний отит: основные причины развития в детском возрасте. Часть I // Российский вестник перинатологии и педиатрии. – 2021. – Т. 66, № 4. – С. 32–38. DOI: 10.21508/1027-4065-2021-66-4-32-38.

сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Болаларда экссудатив ўрта отитни (ЭЎО) ташхислаш ва даволаш масалалари жаҳон илмий жамоатчилигининг диққат марказида турибди. Хорижий адабиётда яллиғланишнинг инфекцион ва иммун механизмларига эътибор кучайган. G.P. Buzatto ва ҳаммуаллифлар (2017) ЭЎО ва аденоид гипертрофияси бўлган болаларда аденоид тўқимаси ва ўрта қулоқ экссудатидаги вируслар ҳамда бактериялар спектрини ўрганишган.

Болалар оториноларингологиясининг Россия мактаби (М.Р. Богомильский таҳрири остидаги миллий қўлланма, 2021) ЭЎО ривожланишини эшитув найи дисфункцияси ва аденоид гипертрофияси билан боғлайди. И.В. Савенко ва М.Ю. Бобошко (2021) болалик даврида ЭЎО сабабларини тизимлаштирган, А.А. Новожилов ва ҳаммуаллифлар (2020) эса тимпанометрия ва акустик рефлексометрияни ўз ичига олган замонавий ташхис усулларини умумлаштирган. А.И. Крюков ва ҳаммуаллифлар (2023) қайталанувчи ЭЎОда туғма иммунитет кўрсаткичларининг ўзгаришларини тавсифлаган. Бироқ маҳаллий гуморал иммунитетнинг роли ва sIgA динамикасининг болаларда оқибатларни башорат қилишдаги аҳамияти фақат қисман ўрганилган, шу сабабли касаллик босқичининг аниқ биокимёвий мезонларини излаш масаласи очиқ қолмоқда.

Ўзбекистонда ҳам ноинвазив ташхис воситаларини излаш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. К.М. Саломов ва М.Р. Зокирова (2025) ЭЎО бўлган болаларда иммунокоррекцияловчи терапия нейтрофиллар миелопероксидазаси фаоллигининг ўзгариши ва клиник натижаларнинг яхшиланиши билан кечишини кўрсатишган. Бироқ церулоплазмин ва трансферрин каби махсус антиоксидант ҳимоя оқсилларидан ЭЎО босқичларининг маркерлари сифатида фойдаланиш етарли даражада ёритилмаган. Ушбу ҳолат юқори технологияли тиббий ёрдамни ривожлантириш ва болалар ногиронлигини камайтириш бўйича давлат вазифаларига тўлиқ мос келадиган оғиз суюқлигининг биокимёвий мониторинги асосида янги диагностика алгоритмларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг № 542312000260 «Одамнинг юқумли ва юқумли бўлмаган этиологияли ижтимоий аҳамиятга эга касалликларининг олдини олиш, ташхислаш ва даволашнинг илғор технологияларини ишлаб чиқиш» (2024–2028) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади экссудатив ўрта отитни секретор босқичидаги болаларни даволашни экссудат қовушқоқлигини биокимёвий башорат қилиш ва таргет консерватив терапияни қўллаш асосида оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

секретор босқичдаги экссудатив ўрта отит бўлган болаларда оғиз суюқлигидаги sIgA, трансферрин, церулоплазмин даражалари ва нейтрофиллар фаоллигини назорат гуруҳи билан қиёслаб ўрганиш;

секретор босқичдаги экссудатив ўрта отит бўлган болаларда оғиз суюқлиги кўрсаткичларининг ўрта қулоқнинг клиник-функционал ҳолати билан боғлиқлигини ўрганиш ва улар асосида экссудат қовушқоқлиги ошишини биокимёвий башорат қилиш мезонларини аниқлаш;

биокимёвий башорат натижаларини ҳисобга олган ҳолда болаларда экссудатив ўрта отитнинг секретор босқичида кетма-кет таргет консерватив даволаш схемасини ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқилган схема самарадорлигини клиник-аудиологик кўрсаткичлар ва болаларнинг ҳаёт сифати бўйича баҳолаш, оғиз суюқлиги биомаркерлари назоратида беморларни олиб бориш алгоритмини таклиф этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қашқадарё вилояти Китоб шаҳар болалар кўп тармоқли шифохонасида 2021–2024 йилларда текширилган 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган 159 нафар бола олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида экссудатив ўрта отит билан касалланган беморларни комплекс текшириш натижалари, шунингдек, аудиологик ва лаборатор текширув натижалари олинган.

Тадқиқот усуллари. Диссертация ишини амалга оширишда эндоскопик, аудиологик, клиник-лаборатор, иммунобиокимёвий, анкета-сўровнома ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

туботимпанал тизим ва бурун-ҳалқум шиллиқ қаватлари ягона мукозал иммун тизимининг функционал-структуравий бирлиги сифатида қаралиб, оғиз суюқлигидаги секретор иммуноглобулин А (sIgA), трансферрин ва церулоплазмин даражаларининг ўзгариши ўрта қулоқда кечувчи экссудатив яллиғланиш жараёнлари ва маҳаллий иммун жавобнинг патогенетик фаоллигини ишончли равишда акс эттиришида юқори диагностик аҳамияти исботланган;

оғиз суюқлигидаги нейтрофилларнинг ферментатив фаоллиги ва сўлакнинг биокимёвий профили бурун-ҳалқум лимфоэпителиал халқаси орқали ривожланувчи маҳаллий иммун-яллиғланиш реакцияларининг патогенетик фаоллашув даражасини акс эттирувчи объектив биомаркерлар бўлиб, ушбу кўрсаткичлар орқали юзага келувчи иммун жавоб дисрегуляцияси ўрта қулоқдаги вентиляция-дренаж бузилишлари ва морфофункционал ўзгаришлар билан ишончли патогенетик боғлиқлиги асосланган;

илк бор болаларда экссудатив ўрта отит патогенезидаги яллиғланиш жараёнлари ва улар билан боғлиқ биологик ўзгаришларнинг сўлак

биомаркерлари орқали акс этиш хусусиятлари ҳамда уларнинг касалликнинг клиник кечиши ва даволаш жараёнидаги динамикаси билан боғлиқлиги асосида касаллик фаоллигини, патогенетик ўзгаришлар динамикасини ва даволаш самарадорлигини объектив баҳолаш имконини берувчи ноинвазив ва атравматик мониторинг тизими таклиф этилган;

экссудатив ўрта отит билан касалланган болаларда лазеротерапия, топик иммунокоррекция ва ўйин автоинсуффляциясини биргаликда қўллаш асосланган комплекс даволаш усулининг самарадорлиги евстахий найи функциясини яхшиланиши, ўрта қулоқ вентиляциясининг тикланиши ҳамда маҳаллий иммун-жавобни тикланганлиги билан исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

оғиз суюқлиги биомаркерлари (sIgA, трансферрин, церулоплазмин) асосида отитнинг секретор босқичини ташхислашнинг ноинвазив усули жорий этилган. У экссудатив жараён босқичи ва маҳаллий иммунитет ҳолатини инвазив муолажаларсиз объектив баҳолашга имкон беради, бу мактабгача ёшдаги болалар учун қулай;

оғиз суюқлигининг маҳаллий ҳимоя коэффициенти (МҲК ≤ 0,31 бирл.), шунингдек, sIgA (≤ 0,10 г/л) ва церулоплазмин (≥ 28,2 мг/л) бўйича даволашдан олдин сероз экссудатнинг мукоз экссудатга айланиш хавфи юқори бўлган болаларни ажратадиган алгоритм ишлаб чиқилган; 14-кунда ва 1 ойдан кейин тимпанометрия ва оғиз суюқлигини назорат қилиш шифокорга даволаш тактикасини ўз вақтида ўзгартириш ва ноғора бўшлиғини шунтлашга кўрсатмаларни асосли белгилашга ёрдам беради;

паст интенсивли лазер нурланиши (ПИЛН), топик иммунокоррекция ва ўйин автоинсуффляциясини бирлаштирган комплекс даволаш схемаси синовдан ўтказилган. Анъанавий даволашга нисбатан у ўрта қулоқ аэрациясининг (14-кунда А турдаги тимпанограмма 82,1% ва 28,6% болада; $p < 0,001$) ва эшитишнинг (1 ойдан кейин қисқа латентли чақирув потенциаллари (ҚЛЧП) V чўққиси бўсағаси 17,2 ва 29,4 дБ nHL; $p < 0,001$) тикланишини тезлаштирган ҳамда 6 ой давомида ноғора бўшлиғини шунтлаш частотасини камайтирган (3,6% ва 38,1%; $p = 0,003$).

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Натижаларнинг ишончлилиги клиник материалнинг етарли ҳажми, таққослаш ва назорат гуруҳларининг мавжудлиги, замонавий эндоскопик, аудиологик, иммунобиокимёвий ва статистик усуллар қўлланилганлиги билан таъминланган. Олинган натижалар маҳаллий ва хорижий тадқиқотлар маълумотларига мос келади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Диссертациянинг илмий аҳамияти яллиғланишнинг сурункали шаклланиш механизмларида шиллиқ қават иммунитети ва ўткир фаза оқсилларининг ролини очиб бериш орқали экссудатив ўрта отит патогенези ҳақидаги назарий қарашларни чуқурлаштиришдан иборат. Оғиз суюқлиги биомаркерлари (sIgA, церулоплазмин, трансферрин) ўзгаришининг аниқланган қонуниятлари эмпирик кузатувдан улар бўйича экссудатив жараён босқичини баҳолашга асосланган предиктив ташхислашга ўтишни концептуал жиҳатдан асослаш имконини беради. Лазер таъсири, топик иммунокоррекция

ва ўрта қулоқнинг механик аэрациясини биргаликда қўллашни асослаш индивидуаллаштирилган тиббиётнинг методологик базасини кенгайтиради, болаларда қайтмас оғирқулоқликнинг олдини олиш стратегияларини ишлаб чиқиш учун илмий пойдевор яратади.

Диссертациянинг амалий аҳамияти ЭЎО билан касалланган болаларни олиб боришнинг ноинвазив алгоритмини ишлаб чиқиш ва клиник амалиётга жорий этишдан иборат бўлиб, пассив кутиш тактикасини мақсадли патогенетик даволаш билан алмаштириш имконини беради. Лазер таъсири, топик иммунокоррекция ва ўйин автоинсуффляциясини бирлаштирган комплекс схеманинг қўлланилиши болаларнинг ҳаёт сифатини яхшилайди ва ота-оналарнинг хавотирини камайтиради, бу ОМ-6 сўровномаси билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: Болаларда экссудатив ўрта отитни ташхислаш ва консерватив даволашни оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Илмий-техник кенгашининг 2026 йил 5 мартдаги 04/44-сон хулосаси):

Биринчи илмий янгилик: туботимпанал тизим ва бурун-ҳалқум шиллиқ қаватлари ягона мукозал иммун тизимининг функционал-структуравий бирлиги сифатида қаралиб, оғиз суюқлигидаги секретор иммуноглобулин А (sIgA), трансферрин ва церулоплазмин даражаларининг ўзгариши ўрта қулоқда кечувчи экссудатив яллиғланиш жараёнлари ва маҳаллий иммун жавобнинг патогенетик фаоллигини ишончли равишда акс эттиришида юқори диагностик аҳамияти исботланган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: илк бор оғиз суюқлиги биомаркерларининг (sIgA, трансферрин, церулоплазмин) исботланган информативлиги пассив кузатув тактикасини касаллик босқичларининг объектив ташхисотини молекуляр даражада таъминлайдиган жараённи фаол патогенетик бошқаришга ўзгартириш имконини беради. Илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган илмий-амалий маълумотлар Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси Марказий шифохонаси (2025 йил 25 январдаги 107-7-107-ТВ/2025-сонли буйруқ) ва Сурхондарё вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази (2024 йил 12 декабрдаги 355-сонли буйруқ) амалиётига жорий этилган. Ижтимоий самарадорлиги: эшитиш бўйича болалар ногиронлигининг камайиши ва ижтимоий дезадаптацияни олдини олиш билан боғлиқ. Эшитиш қобилиятини эрта тиклаш ва шунтлашга кўрсатмаларни ўз вақтида аниқлаш ота-оналардаги психологик стрессни камайтирган ҳолда боланинг тўлиқ нутқий ва когнитив ривожланишини таъминлайди. Иқтисодий самарадорлиги: шунтлаш учун болаларни узоқ кузатувсиз оғиз суюқлиги таҳлили асосида танлаш ва кейинги сурдологик реабилитация харажатларини камайтириш орқали эришилади. Эшитишнинг эртароқ тикланиши давлат ва аҳолининг стационар даволаниш ҳамда меҳнатга лаёқатсизлик варақалари бўйича тўловлар харажатларини камайтиради. Хулоса: оғиз суюқлигидаги sIgA, трансферрин ва церулоплазмин даражалари динамикаси экссудатнинг патоморфологик ўзгаришининг ишончли кўрсаткичи ҳисобланади. Белгиланган биокимёвий мезонлар эрта босқичларда (клиник жиҳатдан ифодаланган асоратлар ривожланишидан олдин)

жараённинг сурункали тус олиши ва ўрта қулоқда адгезив ўзгаришлар шаклланиши хавфини объектив башорат қилиш имконини беради. Ушбу ҳолат даволаш тактикасини ўз вақтида индивидуаллаштиришга имкон беради, эмпирик кузатувдан касаллик кечишини предиктив бошқаришга ўтишни таъминлайди.

Иккинчи илмий янгилик: оғиз суюқлигидаги нейтрофилларнинг ферментатив фаоллиги ва сўлакнинг биокимёвий профили бурун-ҳалқум лимфоэпителиал халқаси орқали ривожланувчи маҳаллий иммун-яллиғланиш реакцияларининг патогенетик фаоллашув даражасини акс эттирувчи объектив биомаркерлар бўлиб, ушбу кўрсаткичлар орқали юзага келувчи иммун жавоб дисрегуляцияси ўрта қулоқдаги вентиляция-дренаж бузилишлари ва морфофункционал ўзгаришлар билан ишончли патогенетик боғлиқлиги асосланган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: оғиз суюқлиги нейтрофилларининг фаоллиги ва ўрта қулоқ шиллиқ қаватининг ҳолати ўртасидаги боғлиқликни очиб беришдан иборат бўлиб, сўлакнинг биокимёвий профилида акс этувчи ЭЎО патогенезини тушунишни кенгайтиради. Илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган илмий-амалий маълумотлар Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси Марказий шифохонаси (2025 йил 25 январдаги 107-7-107-ТВ/2025-сонли буйруқ) ва Сурхондарё вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази (2024 йил 12 декабрдаги 355-сонли буйруқ) амалиётига жорий этилган. Ижтимоий самарадорлиги: ташхислашнинг инвазивлигини пасайтиришдан иборат: оғиз суюқлигини олиш болага оғриқ келтирмайди. Эшитиш қобилиятининг эрта тикланиши ота-оналар томонидан болаларни узоқ муддатли реабилитация қилиш заруратидан халос этиб, боланинг ўз вақтида нутқий ривожланиши ва жамоада психологик қулайлигини кафолатлайди. Иқтисодий самарадорлиги: инвазив бўлмаган мониторингдан фойдаланиш такрорий қиммат инструментал текширувларга бўлган эҳтиёжни камайтиради, қайсиким диагностика босқичида 500–800 минг сўмгача маблағни тежайди. Хулоса: оғиз суюқлиги нейтрофилларининг ферментатив фаоллиги ва ўрта қулоқ шиллиқ қаватининг таркибий-функционал ҳолати ўртасида аниқланган патогенетик боғлиқлик оғиз суюқлиги маҳаллий яллиғланиш жараёнининг информатив кўзгуси эканлигини исботлайди. Аниқланган боғлиқлик шиллиқ қаватнинг қайтмас гиперплазиясини олдини олиш учун комплекс терапияга иммунокоррекция усулларини эрта киритиш зарурлигини илмий асослаган ҳолда нейтрофил ферментларнинг юқори фаоллигини экссудатив ўрта отитнинг чўзилган кечиши маркери сифатида кўриб чиқиш имконини беради.

Учинчи илмий янгилик: илк бор болаларда экссудатив ўрта отит патогенезидаги яллиғланиш жараёнлари ва улар билан боғлиқ биологик ўзгаришларнинг сўлак биомаркерлари орқали акс этиш хусусиятлари ҳамда уларнинг касалликнинг клиник кечиши ва даволаш жараёнидаги динамикаси билан боғлиқлиги асосида касаллик фаоллигини, патогенетик ўзгаришлар динамикасини ва даволаш самарадорлигини объектив баҳолаш имконини берувчи ноинвазив ва атравматик мониторинг тизими таклиф этилган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: сўлак биомаркерлари асосида даволаш самарадорлигини атравматик мониторинг қилиш тизими асосланган. У

инвазив диагностика усулларига илмий муқобил яратиб, қўшимча жарроҳлик жароҳати ва наркозсиз даволаш динамикасини объектив баҳолашга имкон беради. Илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган илмий-амалий маълумотлар Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси Марказий шифохонаси (2025 йил 25 январдаги 107-7-107-ТВ/2025-сонли буйруқ) ва Сурхондарё вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази (2024 йил 12 декабрдаги 355-сонли буйруқ) амалиётига жорий этилган. Ижтимоий самарадорлиги: эрта ёшдаги болаларда оғриқ ва стрессни бартараф этиш боланинг ижтимоий реабилитациясини тезлаштирган ҳолда ота-оналарнинг шифокорга бўлган ишончини оширади ва мониторинг хавфсизлигини кафолатлайди. Иқтисодий самарадорлиги: назоратни амбулатор босқичга ўтказиш клиникада ҳар бир бемор учун 2,0 млн. сўмгача маблағни тежаш имконини беради. Хулоса: ишлаб чиқилган сўлак биомаркерларини атравматик мониторинг қилиш тизими болалар амалиётида инвазив муолажаларга самарали муқобил ҳисобланади. Ноинвазив мезонлардан фойдаланиш – даволаш динамикасини объектив назорат қилишни таъминлайди, терапияни ўз вақтида тузатиш имконини беради, ҳамда эрта ва мактабгача ёшдаги болаларда даволаш жараёнининг юқори хавфсизлигини кафолатлайди.

Тўртинчи илмий янгилик: экссудатив ўрта отит билан касалланган болаларда лазеротерапия, топик иммунокоррекция ва ўйин автоинсуффляциясини биргаликда қўллаш асосланган комплекс даволаш усулининг самарадорлиги евстахий найи функциясини яхшиланиши, ўрта қулоқ вентиляциясининг тикланиши ҳамда маҳаллий иммун-жавобни тикланганлиги билан исботланган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: ЭЎО патогенезининг асосий бўғинларига уч компонентли таъсирнинг синергетик таъсирини асослашдан иборат. Илк бор ПИЛН, иммунокоррекция ва автоинсуффляциянинг комбинацияси бир вақтнинг ўзида секреция реологиясини, маҳаллий иммунитетни ва эшитув найи дренажини меъёрлаштириши, ўрта қулоқ шиллиқ қаватининг комплекс реабилитациясини таъминлаши исботланган. Илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган илмий-амалий маълумотлар Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси Марказий шифохонаси (2025 йил 25 январдаги 107-7-107-ТВ/2025-сонли буйруқ) ва Сурхондарё вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази (2024 йил 12 декабрдаги 355-сонли буйруқ) амалиётига жорий этилган. Ижтимоий самарадорлиги: тизимли антибиотиклардан фойдаланишни камайтириш болаларда дисбиозлар ва аллергик реакциялар ривожланишини олдини олади. Иқтисодий самарадорлиги: паст биокимёвий хавфли болаларда ўрта қулоқ аэрациясининг эртароқ тикланиши назорат ташрифлари сонини ва кузатув харажатларини камайтиради. Хулоса: ПИЛН, топик иммунокоррекция ва ўйинли автоинсуффляцияни биргаликда қўллаш ЭЎОни даволашнинг юқори самарали патогенетик усули ҳисобланади. Паст биокимёвий хавфли болаларда ушбу мажмуа ўрта қулоқ аэрацияси ва эшитишни анъанавий даволашга нисбатан тезроқ тиклайди, биокимёвий хавфи юқори болаларда эса шунтлаш тўғрисидаги қарорни 14-кундаёқ қабул қилиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, хулосалар, амалий тавсиялар ва 115 манбани ўз ичига олган фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 101 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, предмети ва объекти шакллантирилган, ўтказилган тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги исботланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, шунингдек нашр этилган ишлар сони ҳамда диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Болаларда экссудатив ўрта отит патогенези, ташхиси ва давоси ҳақидаги замонавий тасаввурлар (адабиётлар шарҳи)»** деб номланган биринчи бобида болаларда экссудатив ўрта отит (ЭЎО) этиопатогенези, диагностикаси ва даволаш бўйича маҳаллий ва хорижий адабиётлар маълумотларининг танқидий таҳлили тақдим этилган. Касалликнинг юқори ижтимоий аҳамияти, оғриқ ва гипертермия бўлмагани учун кўпинча яширин кечиши, шу сабабли кеч аниқланиши ва қайтмас оғирқулоқлик шаклланиш хавфи таъкидланган. Бобда инструментал диагностиканинг замонавий усуллари ва консерватив даво ёндашувлари тизимлаштирилган. Боб якунида мактабгача ёшдаги болаларда ЭЎО даволаш тактикасини оптималлаштириш ҳамда янги ноинвазив прогностик мезонларни излаш заруратини асословчи хулосалар келтирилган; шу хулосалар тадқиқот йўналишини белгилаган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материали ва усуллари**» деб номланган **иккинчи бобида** клиник материалнинг тавсифи келтирилган, умумклиник, эндоскопик, аудиологик, иммунобиокимёвий ва статистик тадқиқот усуллари баён этилган.

Тадқиқот очиқ, назоратли, проспектив бўлиб, 2021–2024 йилларда Қашқадарё вилояти Китоб шаҳар болалар кўп тармоқли шифохонаси базасида ўтказилди. 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган 159 нафар бола текширилди: сурункали аденоидит фонида ЭЎОнинг секретор босқичи бўлган 95 нафар бола (асосий гуруҳ), ўрта қулоғида экссудат бўлмаган сурункали аденоидитли 34 нафар бола (таққослаш гуруҳи) ва 30 нафар соғлом бола (назорат гуруҳи). Секретор

босқич пневмоотоскопия билан отомикроскопия ва тимпанометрия (B ёки C2 тури) билан тасдиқланди.


Асосий гуруҳдаги барча болалар базис терапия олди: бурун бўшлиғини изотоник эритмалар билан чайиш, 5–7 кундан ортиқ бўлмаган муддатда топик деконгестантлар, интраназал глюкокортикостероидлар, антигистамин ва муколитик препаратлар. Қўшимча даволаш бўйича тўртта кичик гуруҳ ажратилди: А (n = 28) — ПИЛН, натрий дезоксирибонуклеат ва «Отовент» билан автоинсуффляция; Б (n = 22) — ПИЛН; С (n = 24) — ПИЛН ва натрий дезоксирибонуклеат; Д (n = 21) — фақат базис терапия. Ҳар бир таркибий қисмнинг ҳиссаси кичик гуруҳларни жуфтма-жуфт таққослаш орқали баҳоланди.

Даволашгача кичик гуруҳлар ёши (5,6 ± 0,4 дан 5,9 ± 0,3 ёшгача), жинси (ўғил болалар 52,4–58,3%), ЭЎО давомийлиги (3,2–3,5 ой), ҳалқум бодомча бези гипертрофияси даражаси, тимпанограмма тури, ҚЛЧП V чўққиси бўсағаси (37,8–39,1 дБ nHL), оғиз суюқлиги кўрсаткичлари ва ОМ-6 умумий балли бўйича фарқ қилмади ($p > 0,05$). Аденотомия бурун-ҳалқум томонидан кўрсатмалар бўйича бажарилди.

Текширув пневмоотоскопия билан отомикроскопия, бурун-ҳалқум эндоскопияси, импедансометрия, отоакустик эмиссия (ОАЭ) ва ҚЛЧП қайд этиш, оғиз суюқлигини текшириш (sIgA, трансферрин, церулоплазмин, нитрокўк тетразолийни тиклаш спонтан тести — НСТ-тест) ва маҳаллий яллиғланиш индекси (МЯИ) ҳамда маҳаллий ҳимоя коэффициентини (МҲК = sIgA × церулоплазмин / трансферрин; соғлом болаларда 1,0 деб қабул қилинган) ҳисоблаш, ОМ-6 ҳаёт сифати сўровномасини ўз ичига олди. Лаборант намуна қайси гуруҳга тегишлилигини билмади. Экссудат қовушқоқлигининг ошиши мукоз босқичга ўтиш белгилари (Н.С. Дмитриев бўйича) билан баҳоланди: суюқлик сатҳининг йўқолиши, парда рангининг ўзгариши ва ҳаракатсизлиги, паст ҳаракатчанликли В турдаги тимпанограмма, ҚЛЧП бўсағаси 45 дБ nHL ва ундан юқори, эшитув найлари тешикларида қуюқ секрет. Тимпанограмма меъёрлашгандан кейин В турининг қайта пайдо бўлиши қайталаниш деб ҳисобланди. Аудиологик кўрсаткичлар ҳар бир қулоқ бўйича, оқибатлар бола бўйича таҳлил қилинди (икки томонлама ЭЎОда ёмонроқ қулоқ ҳисобга олинди).


Натрий дезоксирибонуклеатнинг 0,25% эритмаси ҳар бир бурун йўлига 3 томчидан кунига 4 марта 14 кун давомида буюрилди. Паст интенсивли лазеротерапия «Мустанг-2000» аппарати билан ўтказилди ($\lambda = 0,89$ мкм, 5–10 мВт, бўшлиқ ичидан эшитув найларининг ҳалқум тешиклари соҳасига ҳар бир томонга 2 дақиқадан, 10 та кундалик муолажа). «Отовент» тренажёри билан ўйинли автоинсуффляция ПИЛН сеансидан 20–30 дақиқа ўтгач кунига 2 марта 10 кун давомида бажарилди. Курс текширувдан кейин дарҳол ёки аденотомиядан кейинги 7-кунда бошланди (1-расм). Натижалар 7- ва 14-кунларда, 1, 3 ва 6 ойдан кейин баҳоланди.

Статистик таҳлилда Стьюдентнинг t-мезони, Манн–Уитнининг U-мезони, Фишернинг аниқ мезони, χ^2, дисперсион ва корреляцион (Спирмен) таҳлил, бўсағани Юден индекси бўйича танлаган ҳолда ROC-таҳлил қўлланилди; $p < 0,05$ даги фарқлар ишончли деб ҳисобланди.



1-расм. *Кичик гуруҳларда даволаш схемаси: патогенез бўғинлари, даволаш таркибий қисмлари ва уларни қўллаш муддатлари.*

Диссертациянинг «**Экссудатив ўрта отит бўлган болаларда оғиз суюқлигининг иммунобиокимёвий кўрсаткичлари ва уларнинг ўрта қулоқ ҳолати билан боғлиқлиги**» деб номланган **учинчи бобида** болаларнинг клиник-функционал тавсифи ва оғиз суюқлигининг иммунобиокимёвий профили таҳлил қилинган.



2-расм. *Асосий (n = 95) ва таққослаш (n = 34) гуруҳларида асосий шикоятларнинг учраш частотаси, %.*

Асосий ва таққослаш гуруҳларидаги барча болалар бурун орқали нафас олиш қийинлигидан, кўпчилиги уйқуда хуррак отишдан шикоят қилди (93,7% ва 91,2%; p > 0,05). Эшитиш пасайиши ва «эътиборсизлик» асосий гуруҳдаги болаларнинг 86,3% ида, таққослаш гуруҳидаги болаларнинг 14,7% ида, қулоқ битиши 77,9% ва 8,8% ида (p < 0,001), нутқ ривожланишининг кечикиши 32,6% ва 11,8% ида (p < 0,05) қайд этилди (2-расм).

Отомикроскопияда асосий гуруҳдаги барча болаларда ноғора парданинг тортилиши ва ҳаракатчанлиги чекланганлиги, 92,6% ида парда рангининг ўзгариши, 70,5% ида суюқлик сатҳи аниқланди. Эндоскопияда ЭЎОли болаларда най валикларининг шиши (88,4% ва 70,6%; p < 0,05) ва эшитув найлари тешикларида ёпишқоқ секрет (74,7% ва 17,6%; p < 0,001) кўпроқ учради.

1-жадвал

Текширилган гуруҳларда аудиологик кўрсаткичлар

Кўрсаткич	Асосий (n = 95)	Таққослаш (n = 34)	Назорат (n = 30)	p
В турдаги тимпанограмма, абс. (%)	74 (77,9)	0	0	< 0,001
С турдаги тимпанограмма, абс. (%)	21 (22,1)	9 (26,5)	0	0,012
Статик ҳаракатчанлик, мл	0,18 ± 0,04	0,42 ± 0,08	0,74 ± 0,11	< 0,001
Акустик рефлекс қайд этилмайди, абс. (%)	95 (100,0)	11 (32,4)	0	< 0,001
ОАЭ «refer», абс. (%)	91 (95,8)	6 (17,6)	0	< 0,001
ҚЛЧП V чўққиси бўсағаси, дБ nHL	38,5 ± 1,4	16,2 ± 1,8	14,1 ± 1,2	< 0,001
I чўққи латентлиги, мс	1,62 ± 0,09	1,51 ± 0,06	1,48 ± 0,05	< 0,05

Асосий гуруҳда В турдаги тимпанограмма устун бўлди (77,9%), статик ҳаракатчанлик 0,18 ± 0,04 мл гача пасайди, ОАЭ 95,8% ҳолатда «refer» натижасини берди (1-жадвал; маълумотлар M ± m кўринишида). ҚЛЧП V чўққиси бўсағаси 38,5 ± 1,4 дБ nHL ни, соғлом болаларда эса 14,1 ± 1,2 дБ nHL ни ташкил этди (p < 0,001); В турдаги тимпанограмма билан бирга бу енгил даражадаги кондуктив эшитиш пасайишини кўрсатади.

ЭЎОли болаларнинг оғиз суюқлигида sIgA концентрацияси пасайган, трансферрин ва церулоплазмин концентрациялари ҳамда нейтрофиллар фаоллиги эса соғлом болаларга ҳам, экссудатсиз сурункали аденоидитли болаларга ҳам нисбатан ошган эди (2-жадвал).

2-жадвал

Текширилган гуруҳларда даволашгача оғиз суюқлиги кўрсаткичлари (M ± m)

Кўрсаткич	Асосий (n = 95)	Таққослаш (n = 34)	Назорат (n = 30)	p
sIgA, г/л	0,12 ± 0,01	0,19 ± 0,01	0,28 ± 0,02	< 0,001
Трансферрин, мг/л	18,3 ± 0,5	13,8 ± 0,6	8,2 ± 0,4	< 0,001
Церулоплазмин, мг/л	26,4 ± 0,7	19,5 ± 0,8	12,1 ± 0,5	< 0,001
Спонтан НСТ-тест, %	18,7 ± 0,6	13,4 ± 0,7	8,5 ± 0,4	< 0,001
МЯИ, бирл.	3,14 ± 0,08	2,11 ± 0,09	1,00 ± 0,04	< 0,001
МҲК, бирл.	0,38 ± 0,02	0,68 ± 0,03	1,00 ± 0,05	< 0,001

Изоҳ: *МҲК ҳар бир бола учун алоҳида ҳисобланган, жадвалда ўртача қийматлар келтирилган.*

Трансферрин ва церулоплазмин соғлом болалардагидан 2,2 баравар юқори, маҳаллий ҳимоя коэффициенти эса 0,38 ± 0,02 гача пасайган эди. Асосий гуруҳда (n = 95) оғиз суюқлиги кўрсаткичлари ўрта қулоқ ҳолати билан корреляцияланди: sIgA статик ҳаракатчанлик билан (rs = +0,54), трансферрин тимпанограмма чўққисининг кенглиги билан (rs = +0,48), церулоплазмин ва МҲК ҚЛЧП V чўққиси бўсағаси билан (rs = +0,59 ва −0,63), НСТ-тест касаллик давомийлиги билан (rs = +0,51); барча ҳолатларда p < 0,001.

Дастлабки кўрсаткичларнинг прогностик аҳамияти «экссудат қовушқоқлигининг ошиши» оқибати бўйича ROC-таҳлил билан баҳоланди. Эгри чизиқ остидаги энг катта майдон маҳаллий ҳимоя коэффициентида олинди: AUC 0,89 (95% ИИ 0,82–0,96), МҲК бўсағаси ≤ 0,31 бирл.; церулоплазмин учун AUC 0,84 (бўсаға ≥ 28,2 мг/л), sIgA учун 0,81 (≤ 0,10 г/л), трансферрин учун 0,78, НСТ-тест учун 0,76. Шу асосда МҲК ≤ 0,31 бирл. (ёки sIgA ≤ 0,10 г/л, церулоплазмин ≥ 28,2 мг/л) бўлган болалар юқори хавф гуруҳига киритилди; асосий гуруҳда улар 95 нафардан 30 нафарни ташкил этди. Бўсағалар текширилган танламада аниқланган ва мустақил гуруҳда текширишни талаб қилади.

Диссертациянинг «**Болаларда экссудатив ўрта отитни даволаш: кетма-кет таргет терапия схемаси, унинг самарадорлиги ва беморларни олиб бориш алгоритми**» деб номланган **тўртинчи бобида** тўртта даволаш вариантининг самарадорлиги таққосланган, схеманинг ҳар бир таркибий қисми ҳиссаси баҳоланган ва беморларни олиб бориш алгоритми баён этилган.

Схема патогенезнинг уч бўғинига йўналтирилган: натрий дезоксирибонуклеат — маҳаллий иммун жавобни тиклашга, ПИЛН — эшитув найлари ҳалқум тешиклари соҳасидаги шишни камайтиришга, ПИЛНдан 20–30 дақиқа ўтгач бажариладиган автоинсуффляция — ноғора бўшлиғи вентиляциясини тиклашга. Даволаш ҳажми ва назорат муддатлари дастлабки биокимёвий хавф билан белгиланади (5-расм).


Ўрта қулоқ вентиляцияси А кичик гуруҳида энг тез тикланди (3-жадвал): 14-кунда А турдаги тимпанограмма болаларнинг 82,1% ида, Б ва С кичик гуруҳларида 50,0 ва 66,7% ида, анъанавий даволашда 28,6% ида қайд этилди (А–Д: p < 0,001). 6 ойдан кейин натижа А ва Д кичик гуруҳларидаги болаларнинг 89,3 ва 42,9% ида сақланди.

3-жадвал

Кичик гуруҳларда А турдаги тимпанограммали болалар улуши, %

Муддат	А (n = 28)	Б (n = 22)	С (n = 24)	Д (n = 21)	p (А–Д)
7-кун	42,9	22,7	29,2	9,5	0,013
14-кун	82,1	50,0	66,7	28,6	< 0,001
1 ой	92,9	72,7	83,3	52,4	0,002
6 ой	89,3	63,6	75,0	42,9	0,001

ҚЛЧП V чўққиси бўсағаси барча кичик гуруҳларда пасайди (3-расм, 4-жадвал): 1 ойдан кейин А кичик гуруҳида 38,4 дан 17,2 дБ nHL гача, анъанавий даволашда 38,0 дан 29,4 дБ nHL гача (p < 0,001). 6 ойдан кейин А кичик гуруҳида бўсаға (15,1 ± 0,7 дБ nHL) соғлом болалар кўрсаткичларидан фарқ қилмади (p = 0,48). 1 ойдан кейин ОАЭ А кичик гуруҳидаги болаларнинг 92,9% ида, Д кичик гуруҳида 47,6% ида қайд этилди (тўртта кичик гуруҳ бўйича p = 0,004).




3-расм. *Кичик гуруҳларда даволаш босқичларида ҚЛЧП V чўққиси бўсағаси (а) ва 1 ойдан кейин ОАЭ «pass» қайд этилиши (б).*

4-жадвал

Кичик гуруҳларда ҚЛЧП V чўққиси бўсағаси, дБ nHL (M ± m), ва ОАЭ «pass» қайд этилиши

Муддат	А (n = 28)	Б (n = 22)	С (n = 24)	Д (n = 21)	p
Даволашгача	38,4 ± 1,2	37,8 ± 1,4	39,1 ± 1,3	38,0 ± 1,5	0,91
1 ой	17,2 ± 0,9	24,1 ± 1,2	20,8 ± 1,1	29,4 ± 1,4	< 0,001
3 ой	15,6 ± 0,8	21,5 ± 1,1	18,3 ± 1,0	27,2 ± 1,3	< 0,001
6 ой	15,1 ± 0,7	20,8 ± 1,0	17,9 ± 0,9	26,8 ± 1,2	< 0,001
1 ойдан кейин ОАЭ «pass», %	92,9	68,2	79,2	47,6	0,004

С. исмли бемор, 3 ёш 2 ой (А кичик гуруҳи): даволашгача ноғора пардалар хира, қаҳрабо рангда, тимпанограмма В турида, ҚЛЧП бўсағаси 45 дБ nHL; курсдан кейин отоскопик манзара меъёрлашди (4-расм), 6 ойдан кейин ҚЛЧП бўсағаси 15 дБ nHL ни ташкил этди.



4-расм*. 3 ёш 2 ойлик С. исмли бемор (А кичик гуруҳи) ноғора пардасининг эндоскопик манзараси: а — даволашгача: парда ичкарига тортилган, қаҳрабо рангда, ортида экссудат; б — даволаш курсидан кейин: парда кулранг, экссудат аниқланмайди.*

14-кунда оғиз суюқлиги кўрсаткичлари барча кичик гуруҳларда яхшиланди, бироқ турли даражада (5-жадвал). Натрий дезоксирибонуклеат олган кичик гуруҳларда (А ва С) sIgA 0,26 ± 0,01 ва 0,24 ± 0,01 г/л гача ошди, трансферрин ва церулоплазмин эса Б ва Д кичик гуруҳларига нисбатан анча кўп пасайди (p < 0,001). А кичик гуруҳида спонтан НСТ-тест 18,6 ± 1,1 дан 9,4 ± 0,5% гача, яъни деярли соғлом болалар даражасигача (8,5 ± 0,4%) пасайди.

5-жадвал

Даволашгача ва 14-кунда оғиз суюқлиги кўрсаткичлари (M ± m)

Кўрсаткич	А (n = 28)	Б (n = 22)	С (n = 24)	Д (n = 21)
sIgA, г/л: даволашгача	0,12 ± 0,01	0,11 ± 0,01	0,13 ± 0,01	0,12 ± 0,01
sIgA, г/л: 14-кун	0,26 ± 0,01	0,16 ± 0,01	0,24 ± 0,01	0,14 ± 0,01
Трансферрин, мг/л: даволашгача	18,4 ± 0,9	17,9 ± 1,1	18,8 ± 1,0	18,1 ± 1,2
Трансферрин, мг/л: 14-кун	9,1 ± 0,5	13,2 ± 0,6	10,4 ± 0,5	15,8 ± 0,7
Церулоплазмин, мг/л: даволашгача	26,5 ± 1,4	25,8 ± 1,6	27,1 ± 1,5	26,2 ± 1,7
Церулоплазмин, мг/л: 14-кун	13,2 ± 0,6	18,1 ± 0,8	14,8 ± 0,7	21,5 ± 0,9
